

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚҮМИТАСИ
ХУЗУРИДА ФИСКАЛ ИНСТИТУТ**

Кўлёзма ҳуқуқи
УДК: 336.221.4(575.1)

ЯНГИБОЕВ ҲУСНИДДИН АБДУМАЖИТОВИЧ

**БЕВОСИТА СОЛИҚЛАРНИ ҲИСОБЛАШ ВА УНДИРИШ
МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини
олиш учун ёзилган**

ДИССЕРТАЦИЯСИ

**Илмий раҳбар:
иқтисодиёт фанлари доктори,
профессор З.Н.Курбанов**

**TDIU
kutubxonasi**

Тошкент- 2022 йил

1190

МУНДАРИЖА

Кириш	3
I-БОБ БЕВОСИТА СОЛИҚЛАРНИНГ НАЗАРИЙ-ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ	
1.1-§. Солиқ механизми ва уни такомиллаштиришнинг назарий-хуқуқий асослари	13
1.2-§. Бевосита солиқларнинг назарий-хуқуқий асослари	27
1.3-§. Бевосита солиқларни кўллашнинг жаҳон тажрибаси	41
Биринчи боб бўйича хulosалар	51
II-БОБ ФОЙДА СОЛИГИНИ ҲИСОБЛАШ, УНДИРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	
2.1-§. Фойда солигини ҳисоблаб чиқаришва бюджетга ундириш механизмининг амалдаги ҳолати таҳлили	52
2.2-§. Фойда солиги базасини аниқлашда амортизация харажатлари ва инвестициявий чегирмани ҳисобга олиш тартиби	68
2.3-§. Фойда солиги бўйича солиқ назоратини ўтказиш тартибини такомиллаштириш	77
Иккинчи боб бўйича хulosалар	92
III-БОБ БЕВОСИТА СОЛИҚ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА СОЛИҚҚА ТОРТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	
3.1-§. Айланмадан олинадиган солиқни ҳисоблаш тартиби ва ҳисботини такомиллаштириш	94
3.2-§. Жисмоний шахсларнинг даромадини соликка тортишни такомиллаштириш	105
Учинчи боб бўйича хulosалар	121
ХУЛОСА	123
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЕТЛАР РЎЙХАТИ	126
ИЛОВАЛАР	137

Кириш

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон мамлакатлари амалиётида иқтисодий ривожланиши босқичларига боғлик ҳолда бевосита ва билвосита соликлардан фойдаланиб келинмоқда. Аксарият ривожланган мамлакатлар солик маъмурчилигига бевосита соликларни ҳисоблаш ва ундириш механизмини такомиллаштириб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Европа Иттифоқига кирувчи иқтисодий ривожланган мамлакатлар давлат бюджети, асосан, бевосита соликлар ҳисобига тўлдирилади»¹. Экспертлар маълумотига кўра, «Хитой 2022 йилдан бошлаб, бевосита соликлар улушини ошириш ва билвосита соликлар улушки –ни пасайтиришни навбатдаги асосий вазифалардан этиб белгиланган»². Жаҳон амалиётида соликка тортишда бевосита соликлар улушининг юқорилиги уларни ҳисоблаш ва ундириш механизмини янада такомиллаштириб боришни тақозо этмоқда.

Жаҳонда иқтисодий тараққиётни таъминлашда бюджет-солик механизмининг аҳамиятини ошириш, бевосита ва билвосита соликларнинг оптимал нисбатини шакллантириш борасида муҳим тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бевосита соликларнинг бюджет тушумларига таъсирини кучайтириш, аҳоли ва ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий фаоллигини рағбатлантириш, мамлакат худудларидағи иқтисодий фаолиятнинг турли тафовут ва шароитларидан келиб чиқувчи тенгсизлик ҳолатларини юмшатиш, мулқдан тежамли ва самарали фойдаланиш, аҳоли даромадлари ўртасидаги табақаланиш даражасини тартибга солиш, солик тушумларини прогнозлаш ва уларнинг йиғилувчанлик даражасини ошириш кабилар - бу борадаги тадқиқот йўналишларидан ҳисобланади.

¹ Тихонова А.В. К вопросу о выборе приоритетных подходов в налогообложении населения // Налоги и налогообложение. – 2021. – №4. – С.19-35. DOI: 10.7256/2454-065X.2021.4.35020 URL: https://nbpublish.com/library/read_article.php?id=35020

² Тяга к совершенству. Китай готовит новые механизмы равномерного распределения богатства среди населения. - <https://podrobno.uz/cat/uzbekistan-i-kitay-klyuchi-ot-budushchego/tuaga-k-sovershenstvu-kitay-gotovit-novye-mekhanizmy-ravnomerogo-raspredeleniya-bogatstva-sredi-nas/>. 3.02.2022.